O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI DAVLAT ARXIVI
INV.N.

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 7 FEVRAL ◆ PAYSHANBA ◆ №17 (26.876)

Татьяна Малинина

ОЛИМПИЯ ҚИШЛОҒИДА
БАЙРОҒИМИЗ ҲИЛПИРАМОҚДА

8 февраль куни АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида XIX қишки Олимпия ўйинлари бошланади. 9 февраль куни ўйинларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Жаҳоннинг қарийб 70 давлатидан ташриф буюрган спортчилар орасида мамлакатимиз вакиллари ҳам бор. Жами олти нафар спортчимиз — фигурали учиш усталари Татьяна Малинина, Роман Скорняков, Наталья Пономарёва, Евгений Свиридов, тоғ чанғиси бўйича Комил Урумбоев билан Эльмира Урумбоевалар республикамиз шарафи учун кураш олиб боришади.

Қўшилди ўлка ҳисобланган Ўзбекистонимиз спортчилари қишки олимпия ўйинларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Вакилларимиз илк бор мустақил мамлакат сифатида 1994 йилда Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтган XVII қишки Олимпия ўйинларида иштирок этган эди. Ушбу олимпиадада ҳамюртимиз Лина Черязова дунёни лол қолдириб, чанғи акробатикаси бўйича олтин медалга сазовор бўлган эди. Яна бир спортчимиз Татьяна Малинина эса Япониянинг Нагано шаҳрида ўтган XVIII Олимпия ўйинларида фигурали учиш бўйича фахрли 8-ўринни эгаллаган эди.

Қатор халқаро турнирларда ҳам вакилларимиз совринли ўринларга сазовор бўлиб келишмоқда.

Солт-Лейк-Ситида бўладиган мусобақаларда ҳамюртларимиздан биринчи бўлиб Н. Пономарёва — Евгений Свиридов жуфтлиги майдонга тушади. Мусобақалар 25 февралга қадар давом этади.

Барча спорчиларимизга омад ёр бўлсин!

Роман Скорняков

ИЛК ИНТЕРВЬЮ



Кеча кечқурун мухбиримиз Солт-Лейк-Сити шаҳридаги Олимпия қишлоғида жойлашган республикамиз делегацияси штабига қўнғироқ қилиб, делегациямиз раҳбарларидан бири Роман Исаевич Ицковдан дастлабки интервьюни олди.

— Роман Исаевич, қандай етиб бордингизлар? Қандай кутиб олишди?

— Яхши етиб келдик. Спортчиларимизнинг кайфиятлари жойида. Олимпия қишлоғи талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган. Айрим мамлакатлар вакилларига ётоқхоналардан жой берилди, айримлари эса бу ердаги меҳмонхоналарга жойлаштирилди. Тўғрисини айтсам, бизнинг делегациямизга энг яхши меҳмонхона ажратилди. Бир нарсани алоҳида фахрланиб айтмоқчиман, бу ерда америкаликлар бизни қувонч билан кутиб олишди. Қаерда бўлмайлик, табассум билан эски қадрдонлардек муносабатда бўлишмоқда. Менимча, бу Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, дўстлик алоқалари мустаҳкамланаётганлиги сабабли бўлса керак.

— Нечта мамлакатдан спортчилар қатнашиши кутилмоқда?

— 77 мамлакат ўйинларда иштирок этиш истагини билдирган. Шу кунгача 72 мамлакат вакиллари етиб келишди.

— Об-ҳаво қандай?

— Кечаси 10-12 даража, кундузи эса 2-4 даража совуқ.

— Яна қандай янгиликни айтишингиз мумкин?

— Ҳозирча энг муҳим янгилик шуки, кеча Америка вақти билан соат 11 да Олимпия қишлоғида Франция, Ҳиндистон мамлакатлари ва Ўзбекистонимиз байроғини кўтариш маросими бўлиб ўтди.

— Газетхонларимиз номидан барча спортчиларимизга бўлажак мусобақаларда муваффақиятлар тилаймиз.

— Раҳмат. Спортчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя этишга шай туришибди.

Мусобақалар ўтадиган спорт иншоотларидан бири

Эльмира Урумбоева (чапда)

Олимпия ўйинлари медаллари

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Украина илмий-техника маркази ҳукуматлараро тузилган дастлабки ташкилотдир. Гарчи мазкур марказ 1993 йил биринчи фаолиятини Украина, Канада, Швеция, АҚШ орасида ўзаро ҳамкорлик битимини имзолаш билан бошлаган бўлсада, ҳужжат 1994 йил Украина Президентининг фармонига асосан кучга кирди.

Куни кеча ана шу ташкилотнинг Ўзбекистонда ахборот маркази очилди.

— Ўзбекистонда бўлишим — мен учун катта бахт. Эртаклар мамлакатига келгандай ҳис этаяпман ўзимни. Яна Самарқанд ва Бухорода бўлмоқчиман. Бу жойлардаги айрим институтлар билан бевосита ҳамкорлик йўлга қўйилса айни муддао бўлур эди. Биз ҳар йили Ўзбекистондаги фаолиятимиз даражасини кенгайтириб бораяпмиз. Бу йилдан бошлаб бир талай лойиҳаларни амалда қўллаш кўзда тутилмоқда. Мазкур лойиҳаларни молиялаштиришда эса Америка Қўшма Штатлари бошқош бўлади, — деди Украина илмий-техника марказининг ижрочи директори Лео Овсяцький марказнинг очилиш маросимида.

— Ушбу марказнинг ташкил этилиши Ўзбекистон — Украина муносабатларини янада ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади, — дейди Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касьяненко. — Буни, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон Президентининг халқаро аҳамиятга молик амалий ҳаракатининг яна бир самараси, деб биламан. Асосий мақсадлардан яна бири эса халқ хўжалиги, хусусан, истеъмолчиликда кўзда тутилган режаларни ҳаётга татбиқ этишдир.

■ **Камола ХОЛМУРОДОВА**

ПИЛЛАСИЯМ, ТОЛАСИЯМ ЎЗИМИЗНИКИ

Жиззахда хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилаётган корхона ва тадбиркорлар сафи кенгайиб бораяпти. Шуларнинг бири «Дамир» хусусий корхонасидир. Унинг Вьетнам Республикасидаги «Авиасулк корпорейшн» фирмаси билан ҳамкорлиги яхши самара берди. Натижада Жиззах шаҳрида устав жамғармаси 200 минг АҚШ долларига тенг бўлган қўшма корхона фаолият кўрсата бошлади. Ўзимизнинг пилладан ипак тола олишга ихтисослашган қўшма корхонада 30 дан зиёд ёшлар меҳнат қилишмоқда.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОБ-ҲАВО

Икки кун илгари ёғиб ўтган қор барчамизга олам-олам қувонч бағишлади. Чунки қишнинг икки ойи ўтибдики, бунақанги қалин, оппоқ қорни кўрмадик. Айниқса, болаларнинг севинчини айтмайсизми?..

Республика «Бошгидромет» бошқармасининг етакчи синоптиги Ирина Борисовна Зайцева билан суҳбатимиз шу тарзда бошланди.



ЯНА ҚОР ЁҒАДИ...МИ?

— Шунақа об-ҳаво сизга ҳам ёқадими?

— Нимасини айтасиз. Бундай қор менга ҳам жуда ёқади.

— Лекин шундай бўлиши ҳам мумкин: бизнинг ушбу суҳбатимиз газета юзини кўргунча, бугунги қорлар эриб кетади.

— Бу тайин. Негаки, кундузги ҳарорат ҳозирдаёқ нолга яқинлашди. Гарчи кечаси 3-8 даражагача совуқ бўлса-да, кундузлари илиқлашиб, ҳафта охирида ҳарорат 5-10 даражагача кўтарилади.

— Умуман, февраль ойида об-ҳаво қандай бўлади?

— Бизнинг кенгликда бу ойда об-ҳаво беқарорлиги билан ажралиб туради. 1881 йилдан буён олиб борилган мунтазам кузатувларда февраль ойида ҳароратнинг 20 даража иссиқдан 20 даража совуқгача ўзгариб турганлиги қайд этилган. Бинобарин, сўнгги беш йилда бизда қиш ойлари нисбатан илиқ келди. Масалан, 1999 йил февралда ҳарорат кечалари ҳам ноль даражадан пастга тушмади, кундузлари эса 15 даражагача кўтарилди. Фақат 1998 йилдагина февралдаги ҳарорат нормадагидан пастга тушди — кечалари 6-11 даражагача совуди. Хуллас, февраль ойида ҳам ҳаво ўзгариб, ёмғир ҳам, қор ҳам ёғиши мумкин...

— Хотин-қизлар байрами — 8 март яқинлашмоқда. Негадир ҳар йили шу байрамда ё қор, ё ёмғир ёғади. Сизнингча, бу йил қандай бўларкин?

— Тўғрисини айтсам, биз кунма-кун узоқ муддатли прогнозлар тайёрламаймиз ва оммавий ахборот воситаларига маълумот бермаймиз. Умумий манзарага келсак, март ойида ўртача ҳаво ҳарорати нормага яқин — 6-11 даража атрофида бўлади.

— Кейинги йилларда минтақамизда сув танқислиги рўй бераяпти. Шу маънода, бу йил қандай келади?

— Бу борада ҳозирча бирон нарса дейишим маҳол. Чунки дарёларимиз асосан тоғлардаги қорларнинг эриши ҳисобидан тўйинади. Илиқ, қарийб ёғин-сочинсиз қиш қорларнинг кўпроқ тўпланишига имкон бермаяпти. Шундай экан, яқин бир-бир ярим ой ичида вазият ўзгармаса, ёзда яна сув тақчиллигига дуч келишимиз табиий.

— Нима ҳам дердик: бу маълумотларингиз бизга ҳам, бошқаларга ҳам таскин беролмайди. Ҳарқалай, унинг ёлғон бўлиб чиқишини жуда-жуда истардик. Халқ орасидаги кулгу усталари об-ҳаво маълумотларини «Ё ёғади, ё ёғмайди» дея мутойиба қилишадилар. Бу сизларнинг нафсониятларингизга тегмайдими?

— Гарчи, нохушроқ бўлса-да, биз бунга кўникиб кетганмиз. Чунки бунақа ҳазил-ҳузул асосан кундалик турмуш доирасида туғилади. Биз тарқатаётган маълумотлардан фойдаланишаётган мутахассислар эса бизнинг меҳнатимизни жуда қадрлашади, унга юқори баҳо беришади. Ким нима деса деяверсин, аксарият ҳолларда бизнинг башоратларимиз тўғри чиқмоқда. Агар буни рақамлар тилига кўчирсак, қиш ойларида 91-92 фоиз, ёзда 95-96 фоиз маълумотимиз ўз тасдиғини топади. Бинобарин, 4-5 февралда ёғиб ўтган қорни ҳам олдиндан адашмай айтганмиз.

■ **Суҳбатдош:**
Бобо САРОИЙ

BU DUNYONING ISHLARI

ЎЗБЕКИСТОНЛИК АКАДЕМИК «ГИРСЕБИС ОРДЕНИ» СОҲИБИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, илмнинг толмас жонкуяри, ўз умрини ўзбек халқининг бебаҳо маданий ва бадиий меросини қайта тиклашга бағишлаган Эдвард Ртвеладзе Грузиянинг «Гирсебис ордени» («Фахр-ифтихор ордени»)га сазовор бўлди.

Айтиш жоизки, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган ватандошимизга берилган бу юксак баҳо унинг дунёга танилган олим сифатидаги халқаро эътирофидан далолатдир.

Грузия Президенти Фармойишида таъкидланганидек, «умум эътирофига сазовор тарихчи олим ва археолог, Ўзбекистон ФА академиги» Эдвард Ртвеладзе «Грузия ва Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни акс эттирувчи кўҳна тарихий манбааларни тадқиқ этишдаги катта шахсий ҳиссаси, археология экспедицияларида эришган салмоқли муваффақиятлари, «Буюк Ипак йўли» мавзуида яратган фундаментал ишлари ҳамда грузин ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги ҳиссаси, шунингдек, илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолияти учун» «Гирсебис оредени» билан мукофотлангани тасодифий ҳол эмас.

Санъатшунослик институтида бўлиб ўтган мукофот топшириш маросимида Грузиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гиви Абдушелишвили, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, мамлакатимиздаги чет эл дипломатия ваколатхоналари, илмий жамоатчилик ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Академик Э.Ртвеладзе тўпланганлар олдида сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Менинг камтарона меҳнатим Грузияда шу даражада юқори баҳолангани, энг аввало, Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари етакчилигида илмий ва ижодий фикрни ривожлантириш учун қулай муҳит яратилганининг самарасидир.

Ушбу орденни олар эканман, мен уни Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори янада ошиб бораётганининг бир белгиси деб биламан. Ўзимни эса Ўзбекистон фарзанди ҳисоблайман.

■ **«Жаҳон» АА**



АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл НАТОнинг ноябрда Прагада бўладиган саммитида бир неча давлатлар шимолий альянсга аъзо бўлиш ҳақида таклифнома олиши мумкинлигини маълум қилди. Бироқ у таклифнома нечта ва қайси давлатларга берилиши ҳақида гапирмади.

Туркияда наркомафия ва гиёҳвандликка қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилмоқда. Тадбирда қатнашаётган 25 мамлакат вакиллари Анқарада ушбу муаммо пайини қирқиш билан шуғулланувчи Туркия — АҚШ минтақавий марказини очишга қарор қилди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу марказ нафақат минтақада, балки дунёда «оқ ажал» тарқалишининг олдини олиш билан машғул бўлади. Хабарларга қараганда, наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланувчи гуруҳларнинг қўлидан йилига 500 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ўтади.

Гаага халқаро трибунали Югославиянинг собиқ президенти Слобадан Милошевичга нисбатан қўзғатилган суд жараёни 12 февраль куни бошланишини маълум қилди. Судда дастлаб С.Милошевичнинг Косоводаги, сўнгра Хорватия ва Босниядаги можаролар билан боғлиқ жиноятлари кўриб чиқилади, деди трибунал вакили.

Жанубий Африка Республикасида пассажир ва юк поездининг тўқнашуви оқибатида 22 нафар киши қурбон бўлди. Уларнинг 16 нафари мактаб ўқувчилари. Фожиа Дурбан шаҳридан 70 километр узоқликдаги ҳудудда содир бўлган.

Ливан ташқи ишлар вазири Маҳмуд Ҳаммуд Исроил ҳукуматининг Эрон «Ҳизбуллоҳ» ҳаракатига янги ракеталар етказиб бераётгани ҳақидаги баёнотини рад этди. Бу уйдирмадан бошқа нарса эмас, деди вазир.

Кеча эрталаб Варшавадан узоқ бўлмаган шаҳталардан бирида кучли портлаш рўй берди. Портлаш 700 метр чуқурликда содир бўлиб, оқибатда 10 нафар киши ҳалок бўлган, 37 киши турли даражада тан жароҳати олган.

Женевада АҚШ ва Россия ҳукумат делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ироққа инсонпарварлик ёрдами сифатида нефтга айирбошланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг турини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди. Маълумки, ушбу давлатга фақат белгиланган озиқ-овқат турлари ҳамда энг зарур тиббий дори-дармонлар киритилишига рухсат берилган. Бу назоратни БМТ олиб боради.

Таиланд ҳукумати автомобиль бошқараётган пайтда уяли телефонлардан фойдаланишни таъқиқлаш бўйича қарор қабул қилди. Бунга мамлакатда шу вазиятда кўплаб йўл ҳалокатлари рўй бераётгани сабаб бўлди. Хабарларга қараганда, ҳар йили 14 минг киши транспорт қурбони бўлар экан.



ЁШЛАР БАҲО БЕРАДИ

Тошкентдаги Замонавий санъат марказида «Гиёҳвандсиз ҳаёт» мавзуида плакатлар кўргазмаси очилди. Унда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бадиий академия ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси биргаликда эълон қилган танловнинг биринчи босқичида ғолиб деб топилган муаллифларнинг плакатлари намойиш этилмоқда.

Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти ва рассомчилик коллежи талабалари ишлаган плакатларни пойтахтнинг кўплаб олий ҳамда ўрта-махсус билим даргоҳлари талабалари келиб томоша қилмоқдалар. Кўргазма давомида ўзига хос тажриба ҳам ўтказиляпти. Плакатларга ёшларнинг ўзлари баҳо беришяпти. Талабалар муаллифи қайд этилмаган, фақат тартиб рақами билан белгиланган экспозицияларни томоша қилишаркан, ўзларида катта таассурот қолдирган учта асарни белгилаб беришлари керак. Якунловчи босқичда ёшларнинг фикрлари ўрганилади ҳамда ғолибларни аниқлашда инобатга олинади.

— Кўргазма яна шу жиҳати билан ҳам аҳамиятлики, — деди Камолиддин Беҳзод номли миллий рассомчилик ва дизайн институти ректори Усмон Қорабоев **«Туркистон-пресс»** мухбирига. — Ёшлар кўргазмани томоша қилишаркан, уларнинг онгида гиёҳвандликнинг хавфли иллат эканлиги ҳақида тушунча уйғонади. Унга қарши нафрат пайдо бўлади. Бундан ташқари ижодкор ёшларимиз ҳам ўзларига бўлган эътибордан катта рағбат оладилар.

Усмон Қорабоевнинг таъкидлашича, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги танлов ғолибларини учта пулли мукофот ҳамда фахрий ёрлиқлар билан мукофотлашни режалаштирган. Республика Бадиий академияси эса танлов ғолиблари ҳамда иштирокчиларини махсус дипломлар билан тақдирлайди.

Энг яхши баҳо олган асарлар БМТ томонидан кўплаб нусхада чоп этилиши ҳамда тўплам ҳолида чиқарилиши кўзда тутиляпти.

ДИЛ СЎЗИ

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ЧИРОҒИ

Кунлардан бир куни Луқмони Ҳакимдан «Шунча илмни қандай ҳосил қилдингиз», деб сўрашибди. Шунда донишманд: «Илм ўқиётган пайтларимда ёндирган чироқ мойини ҳисобласанг, еб-ичган нарсаларимдан кўпроқдир», деб жавоб берган экан. Бундан маълум бўладики, вақтни еб-ичиш ва кўнгилхушлик учун сарфлашдан кўра илмга бағишлаш минг чандон афзал экан.

Истиқлол ҳар бир онгли инсон учун миллат ва Ватан манфаатларига чинакам дахлдорлик туйғусини қайтариб берди. Мамлакат ютуғи — бу менинг ютуғим, халқимнинг обрў-эътибори — бу менинг мартабам, деган туйғулар бугун ҳар бир юртдошимизнинг кўнглидан кечади.

Яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми мустақиллик фарзандлари бўлган биз ёшларнинг ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлди. Катта авлод биз набираларимиз учун овоз бердик. дейишяпти. Ўрта авлод биз болаларимиз учун овоз бердик, дейишяпти. Мен ва менинг тенгқурларим эса ўзимиз учун, ўз ҳаётимизни ташкил этиш учун овоз бердик. Парламентнинг икки палатали бўлишидан, хусусан, биз ёшлар кўпроқ манфаат кўрамиз. Мамлакат эртаси, халқ эртаси, Ватан тақдири учун овоз бериш бошқача бўлар экан. Референдумда овоз берганда беихтиёр «мамлакат тақдирида менинг ҳам овозим бор» деган фикр хаёлимдан ўтди.

Ўзим айни пайтда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро туризм факультетининг 3-курсида ўқияпман. Президент Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон туризми асосчиси, факультетимиз ташаббускори. Шунинг учун ҳам биз ёшлар университетимиз миқёсида ўтказилаётган «Президент асарлари билимдони» танловида иштирок этиб, давлатимиз ва халқимиз танлаган манзил, келажагимизни барпо этишга қаратилган улуғ мақсадлар ва уларга эришиш йўлларини чуқур билишга интилаяпмиз.

Жаҳон туризмига оид тажриба ва янгиликларни ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб боряпмиз. Шунингдек, турли халқаро симпозиумларда туризм соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар, унинг истиқболи тўғрисида ўз қарашларимиз тадқиқ этилган мақолалар билан қатнашиб турибмиз.

Бир сўз билан айтганда, бугунги ўзгаришлар ортида гўёки Луқмони Ҳаким чироғи порлаб тургандек туюлади. Аслида ҳам шундай. Биз бугун қанчалик илм олсак, қанча кўп «чироқ мойи» ишлатсак, эртанги кунимиз шунча порлоқ бўлади.

■ **Дурбек ҲАКИМОВ,**
талаба



Дўстлик исми жисмига монанд туман. 16 миллат ва элат вакилларига мансуб 48 минг фуқаро истиқомат қилаётган мазкур тумандаги тиббиёт коллежида 664 ўқувчи ҳамширалик, доялик, доришунослик йўналишлари бўйича ўқиб-ўрганишмоқда.

✧✧✧

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

МУЛОҲАЗА

КИТОБ ЎҚИЙСИЗМИ, ЗАМОНДОШ?

Ривоят қилишларича, бир донишмандан сўрашибди:

— Айтинг-чи, дўстларингиз кўпми?

— Ҳа, жуда кўп.

— Улардан қайси бири энг ардоқлиси?

— Билимим, тафаккурим, ўй-хаёлларим, — дебди донишманд.

Яна сўрашибди:

— Фарзандларингиз кўпми?

— Яратганга шукр, тўпланишса ҳовли тўлади.

— Улардан энг суюклилари кимлар?

— Билимим, тафаккурим, ўй-хаёлларим.

Хуллас, донишманд ўз бойликлари, табиблари, маслакдошлари, қариндошлари ҳақида ҳам шу хилда жавоб берибди. Ниҳоят, ундан изоҳ талаб қилган эканлар:

— Эсимни таниганимданоқ, ҳамроҳим бўлган фикрим, ҳаётда орттирган билимим ва тафаккурим ёлғизлигимда ҳам, муаммоларга, хорлик-зорликка дуч келганимда ҳам ягона таянчим, далда бергувчим, маслаҳатгўйимдир. Фақат шуларгина бошқалардан фарқли ўлароқ, менинг танамни жон тарк этмагунга қадар қўллаб-қувватлаб тургувчи дўстларимдир, — деб тушунтирган экан аллома.

Биз бу ривоятни бежиз келтирганимиз йўқ. Чунки инсон ўзидаги ҳамма яхши нарсалар учун, билим ва тафаккур билан қуроллантирувчи ҳамда энг яқин дўст, маслаҳатгўй бўлган китоблардан миннатдор бўлмоғи керак. Китобни офтобга қиёслашади. Чунки китоблар худди қуёшдек ҳар бир қалбга беҳисоб ёруғлик олиб киради. Ҳа, китоблар ҳақида, уларнинг қиммати ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин бизнинг қўлимизга қалам тутқазган нарса булар эмас, аксинча китоб мутолааси ҳақидаги масаладир.

Статистикага мурожаат қилайлик. 2000 йилда Андижон вилояти бўйича аҳолига 129 миллион сўмлик маданий савдо хизмати кўрсатилди. Шундан 5 миллион 100 минг сўми китоб савдосига тўғри келади.

Мутахассис фикрича, Китоб савдоси ҳиссадорлик жамиятига ўтгани муносабати билан китоб сотиш билан эмас, балки бошқа ишлар билан шуғулланади. Уларда айланма маблағ ҳам йўқ. Бу масалага жойлардаги масъул кишилар эътибор берса мақсадга мувофиқ бўларди.

Мен ўзим китобларни, китоб ўқишни ёқтираман. Менимча, фақатгина дарсликларнигина эмас, балки янги китобларни ҳам ўқиб туриш керак. Бунинг учун вақт топа билиш ҳам керак. Ахир яхши китоб ўқиб ундан маънавий завқ олишнинг нимаси ёмон?!

Президентимиз халқимизнинг маънавиятини юксалтириш ҳақида жон куйдириб келяпти. Албатта, бу борада китобларнинг ўрни беқиёсдир. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак», Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», «Ёдгор» каби китобларини ўқиб ҳайратланмаган кишилар камдан-кам топилади.

Илгарилари қишлоқларда китобхонлик кечалари бўларди. Ҳар бир қишлоқнинг ўз эртакчи боболарию бувилари ҳам бор эди. Ҳозир-чи? Тўғри, жойларда туман марказий кутубхонасининг шаҳобчалари, мактабларнинг кутубхоналари ишлаб турибди. Лекин улардаги китоблар масаласига келсак, аҳвол қандайлиги ўзингизга маълум, албатта. Лекин бугунги кунда китобсиз яшаб бўлмайди. Бинобарин, у раҳбарми, оддий ходим ёки ишчими, албатта, китоб ўқиши керак, деб ўйлайман. Биз фарзандларимизни ҳам китоб ўқишга одатлантирмоғимиз, бу борада астойдил жон куйдиришимиз керак.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда китобхонлик масаласи қай даражада? Айрим оилалар даврасида янги китоблар ҳақида гапирилади. Оилавий бўлиб ўқилади. Ўзларининг оилавий кутубхоналари ҳам бор. Бу яхши. Аммо агар шу куннинг талаби ва ҳақиқий аҳвол жиҳатидан олиб қарайдиган бўлсак, китоб ўқиш, китобхонлик масаласида айтарли ишларни намуна қилиб кўрсатиш қийин.

Гоҳида шундай ҳам бўладики, баъзи кишиларнинг уйларида жаҳон ва ўзбек мумтоз адибларининг машҳур сайланмаларининг энг нодир нусхалари китоб жавонларини безаб туради. Афсуски, уларни на ўша кишининг ўзи, на фарзандлари қўлига олиб ўқишади. Уни шунчаки бойлик, бир безак сифатида сақлашлари алам қилади. Бир оилада шундай воқеанинг шоҳиди бўлганман. Оилада жаҳон мумтоз адибларининг сайланма асарлари китоб жавонига териб қўйилган экан. Буни кўриб оила соҳибаси бўлган аёлдан уни ким ўқишини сўрадим.

— Манави «том-том»-ларни айтяпсизми? Хўжайинники. Ҳар замонда чангини артиб қўяман.

Аёлнинг бу гапларини эшитиб юрагим музлаб кетди. Қани энди шу кутубхоначилар бу «том-том»лардан хабардор бўлишса-ю, унинг ҳақиқий эгалари қўлига етиб боришига кўмаклашса деган фикр ўтди хаёлимиздан.

Китоб дўконларини айланамиз. Ранг-баранг нашрлар ичидан ўқувчи ўзига маъқул келадиган китобни топиб олиши шубҳасиз. Лекин «пули борлар» чоп эттирган хом-хатала китобларнинг чанг босиб ётгани-ю, уларга сарфланган қоғоз ва харажатларни ўйлаб дилингизга ғашлик чўкади.

Бир хабарни эшитиб қувониб кетдим. Андижондаги «Ҳамкорбанк» жамоаси яхшигина кутубхона ташкил этишибди. Қандай ёқимли ва қувончли хабар! Кўпчилик банк ходимларига кутубхонанинг нима кераги бор деб ўйлаши ҳам мумкин. Бироқ «Ҳамкорбанк»ка бир кунда юзлаб мижозлар келишини ҳисобга олсак, лоақал уларнинг 20-30 фоизи шу кутубхонага кириб китоб ёки газета-журнал ўқиши тайин. «Ҳамкорбанк» жамоасининг бу хайрли ишини бошқа жойларда ҳам оммалаштирилса айни муддао бўларди.

Бизнинг назаримизда китобхонлик қилмай қўйганлигимизнинг бош айбдори аввало ўзимиз. Нега ҳар биримиз оиламизда, ишхоналару мактаб-боғчаларда янги китобларнинг тарғиботчилари бўлиб майдонга чиқмаймиз?! Нега фарзандларимизнинг китоб ўқимаётганига лоқайд қараймиз?! Китоб ҳар бир қалбга ёруғлик олиб киради, оламни танитади. Шундай экан, ҳар биримиз китобхон бўлайлик. Буюк шоиримиз таъбири билан айтганда, дунёда китобдан яхшироқ дўст йўқ, китобларни авайлаб-асрайлик!

■ **Салимахон МИРЗАЕВА,**
Андижон Давлат университети доценти

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси минтақавий кенгашларидан ва газета мухбирларидан олинаётган ахборотлар маҳаллий партия ташкилотларининг серқирра фаолиятидан далолат беради. Қуйида улардан намуналар келтирамиз.

КЕКСАЛАРГА ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда жорий йилнинг Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилиниши муносабати билан партия ташкилотлари ўз режаларини ишлаб чиқиб, жойларда турли тадбирларни ўтказишга бош-қош бўлмоқдалар. Чунончи, Бекобод шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси Қарияларни қадрлаш йили доирасидаги дастурларда ХДП аъзоларининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган тадбирий чораларни белгилаб, амалга оширишга киришди.

ХДП Сирдарё вилояти Ш.Рашидов тумани кенгаши «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари маҳаллий бўлинмалари билан ҳамкорликда «Инсон азиз» шиори остида туркум суҳбат ва мулоқотлар уюштирмоқда. Улар жараёнида кўп йиллик меҳнатдан кейин қарилик гаштини сураётган фахрийларга ҳурмат-эҳтиром билдирилмоқда, ёлғиз кексалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Уйчи туман кенгаши ва бошланғич партия ташкилотлари тумандаги фахрий муаллимларни бир пиёла чойга таклиф этиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйишга ҳамда қизилравотлик марҳум Абдуфаттоҳ Шерматов хотирасига бағишлаб волейбол бўйича мусобақаларни ўтказишга ҳисса қўшдилар.

Бувайда туман партия кенгашида барча ХДП бошланғич ташкилотлари котиблари ва фаоллар иштирокида ўтказилган йиғилишда Қарияларни қадрлаш йилида қилинажак ишлар хусусида маслаҳатлашиб олинди. Шу ернинг ўзида Ўзбекистон ХДП дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ партия фаоллари моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Айни пайтда партиямиз сафларида узоқ йилардан буён ҳормай-толмай меҳнат қилаётган инсонлар ҳам юксак эҳтиромга мушарраф бўлмоқдалар. Жумладан, яқинда ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг биринчи котиби Қаҳрамон Юсупалиев ва Фарғона вилоят кенгаши парламентчилик иши ва партияни ривожлантириш гуруҳи раҳбари Комилжон Қосимов таваллуд топганларининг 60 йиллиги жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали равишда ўтказилиб, юбилярларга эсдалик совғалари топширилди. Бундай мисоллар кўп.

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши партиядан сайланган депутатлар билан ҳамкорликни такомиллаштириш мақсадида махсус амалий семинар ўтказди. Унинг давомида семинар қатнашчилари – депутатлар ва партия фаоллари республика Олий Мажлиси депутати, Урганч қурилиш коллежининг директори Ибодилла Бойжоновнинг депутатлик фаолияти билан танишдилар, ХДП Боғот туман кенгашининг маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар билан ҳамкорлик қилиш амалиёти, депутатлик қабулхоналарининг фаолияти ҳақидаги ахборотларни тингладилар. Бу тўғрида мазкур туман партия кенгаши биринчи котиби А.Оллоёров ва вилоят партия кенгаши масъул ходими Б.Собиров сўзлаб бердилар. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ғайрат Машарипов семинар ишига якун ясар экан, йиғилганлар эътиборини партия ташкилотларининг парламентчилик ишини замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш, давлат ҳокимияти вакиллик идораларига партиямиздан сайланган инсонларга ўз депутатлик бурчларини рисоладагидек адо этишларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатишни кучайтириш, аҳоли ўртасида уларнинг обрўйини янада ошириш масалаларига қаратди.

ЎзХДПдан сайланган депутатларнинг партия ташкилотлари ёрдамига таяниб, элга манзур ишларни қилаётганликларини Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган халқ вакиллари мисолида ҳам кўриш мумкин. Яқинда уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 72-Кегейли сайлов округида жойлашган Ерпўлат Жиров ва Бексийиқ овулларида ётқизилган қувурлардан табиий газ оқа бошлади. 120 та хонадон эгаларининг бундай қулайликдан қувончи чексиз. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишда сўзга чиққан туман ҳокими Д.Кўчқорбоев мазкур округдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига сайланган республика партия ташкилотининг раҳбари А.Асанов ва бошқалар давлат идоралари, депутатлар ва жамоат ташкилотларининг биргаликдаги ҳаракатлари, албатта, яхши натижалар беришлигини таъкидладилар.

ХДП Фарғона вилоят кенгаши ижроия бюроси йиғилишида 201-Водил сайлов округидан республика Олий Мажлисига партиядан сайланган М.Мамажоновнинг ўз депутатлик фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди. Йиғилишда депутатнинг ўз зиммасига юклатиган масъулиятни теран ҳис этиб, парламент томонидан қабул қилинган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, уларнинг ижроси устидан кундалик назоратни уюштиришда иштирок этиш билан бир қаторда, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш устида астойдил ишлаётганлиги қайд қилинди. Унинг иштирокида тумандаги соғлиқни сақлаш муассасаларининг таъмирланиши ва жиҳозланишига, улар ҳудудларининг ободонлаштирилиши, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг яхшиланишига эришилди. Аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги бир қанча камчиликлар бартараф этилди. Шу билан бирга вилоят партия ташкилоти депутатга фуқароларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш масалаларига кўпроқ эътибор бериш лозимлигини тавсия этди.

Шунга ўхшаш масала Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ижроия бюросида ҳам кўрилди. Унда 6-Сўзангарон сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиядан сайланган, «Умар» фирмаси директори О.Ражабовнинг депутатлик фаолияти тўғрисидаги ахбороти асосида барча даражалардаги ХДП ташкилотларининг депутатлар билан ҳамда партия кенгашлари қошидаги Депутатлар клублари ишини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

Ёш авлодни миллий мустақиллик талаблари асосида, миллий ғоя руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш Ўзбекистон ХДПнинг дастурий вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис, партия ташкилотлари ёшлар муаммоларига эътиборни кучайтирмоқдалар, уларни ҳал этишда давлат идоралари ва турли жамоат бирлашмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Масалан, Наманган ва Китобдан олинган маълумотларга қараганда, мазкур шаҳар ва туман кенгашлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловларини ўтказишда иштирок этмоқдалар. Мингбулоқда эса ўқувчи-ёшлар, туман партия кенгаши, маҳаллий ҳокимликнинг халқ таълими бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорликда ташкил этган, «Сиз тарихни биласизми?» беллашувида қатнашиб, Ватанимиз ўтмишига оид билимлари доирасини бирмунча кенгайтиришга муваффақ бўлдилар. ХДП кенгашлари раҳбарларининг бундай тадбирлар ғолибларини табриклаб, уларга совғалар топшириши ёшларда партияга нисбатан яхши таассурот қолдириши шубҳасиз.

Ёшлар вакиллари билан яна бир муҳим тадбир — «давра суҳбати» Шаҳрисабз туман партия кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Тадбиркорлар палатаси туман бўлимлари томонидан ташкил қилинди. Жонли мулоқот тусини олган суҳбатда партия фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ёшлар етакчилари йигит-қизларга Ватан нима, нима сабабдан уни севмак лозим, унинг гуллаб-яшнаши, ёт унсурлардан ҳимоя қилиниши мақсадида жонни фидо этиш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдилар, ёш суҳбатдошларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар..

ХДП Пискент туман кенгаши, халқ таълими ходимлари касаба уюшмалари туман қўмитаси билан ҳамкорликда, барча болалар боғчалари ходималари орасида ташкил этган «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» номи учун кўрик-танлов ҳам ёш авлодни тарбиялаш масалаларига бевосита дахлдор. Унда ғолиб чиққан боғча опаларга Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Шу нарса эътиборга лойиқки, кўрик-танловда муваффақиятли иштирок этган 7 ва 18- сонли боғчаларнинг тарбиячиларидан бир гуруҳи Ўзбекистон ХДП сафларига киришни ихтиёр этди.

... Манзил сари кетаяпман. Текисгина, равон йўл. Дарвоқе, одамнинг борар жойи йўл орқали. Агар таъбир жоиз бўлса, босган қадамингни аввало йўл ҳис этади. Яна умринг силсиласини ҳаёт йўли, дея талқин этадилар. Яна... Умуман тириклик дунёсида йўлнинг ўрни беқиёс.

Тажрибали йўлчи, юзлаб йўлсозларнинг устози Қурбон Панжиев ҳақида кўп эшитганим бор. Аниқроғи, бу киши хусусида бир суратказш ҳамкасбим гапириб берганди. Бир куни унинг ишхонада шу одамга дахлдор суратларни тахлаётган алфозда учратдим. Қизиқсиниб кўз югуртирдим. Юзлаб суратлар бордир: Қурбон Панжиевнинг йўл қурилиши кетаётган бир вақтда қаердадир йўлсозлар билан тушган сурати. Оила даврасида, жамоа билан бирга бўлган ҳолатида туширилган суратлар, шулар билан биргаликда 30-40 йил илгари олинган фототасвирлар ҳам бор. Лекин бирорта суратда Қурбон ака дўпписиз тушмаган. Ҳатто Францияда тушган суратлари бор, жуда баланд иморат олдида: ҳаво совуқ бўлса керак, устида чарм куртка, бироқ ўшанда ҳам бошида шапка ёки телпак эмас, дўппи...

Қаршида, умуман Қашқадарёда уни кўп мақтаб гапиришганининг гувоҳи бўлганман:

— Ўзи оддий ишчи бўлган, меҳнати туфайли шу даражага эришди.

— Қурбон ака билан 1979 йилда Баҳористонда йўл очганмиз. Ишбилармон, муҳими меҳнаткаш, яхши одам...

Унга берилган бу тариқа сифатлар жуда кўп.

Хўш, Қурбон Панжиев ўзи ким экан, дерсиз?

«Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси биноси қаршисидаман. Замонавий 3 қаватли бинонинг кириш эшигидан тортиб пештоқигача қадар диққатим чўзилди. Гарчанд янгилик бўлмаса-да, миллий байроғимиз акс эттирилган лавҳаларда битилган «Меҳнат инсонни улуғлайди», «Сўз боши ассалом, иш боши интизом» сингари иборалар идора ходимларини муайян бир кайфиятга чорлагувчи мезон бўлса керак, деб тушундим.

— Ўзим ҳақимда ўзим гапириб ётсам, тўғри бўлармикан?.. Йўқ яхшиси бошқалар, мени билганлардан ҳам сўрарсиз. Яна мана бу эсдаликлардан ўқиб билиб оларсиз, — дея қўлимга юпқагина «Умрим сабоқлари» номли китобчани тутқазди Қурбон ака.

— Эй, ҳали ёзувчилик ҳунарим ҳам бор, денг?

— Йўғ-е, шу.. ёш ўтаяпти, қарияпмиз. Шу босиб ўтган йўлларни, олган ҳаётий сабоқларингни қоғозга туширгинг келавераркан...

Баъзилар умрнинг маълум бир нуқтасига етгач, мемуарлар ёзгиси келади. Бу китобча ҳам ўшандай кайфият маҳсули бўлса не ажаб. Эҳтимол, қўлингиздагини мемуар, дейиш сал баландроқ туюлар. Шу сабаб буларни эсдаликлар деб аташни лозим топдим. Демак...

Эсдаликлардан:

«... Камбағалчилик қурсин, бу ғам кўп одамларнинг тинкасини қуритди, тилини калта қилди ва йўлига ғов бўлди. Мен ишлаб, пул топишдан бошқа чорам қолмади. Чунки отам шу орада, аниқроғи, 1957 йили оламдан ўтиб, кўп азият чекдик. Акам Тўрабой мени Шаҳрисабз йўл қурилишида ишлайдиган Худойберди Пармонов деган киши билан таништирди. Дастлаб қоровулчилик қила бошладим. Икки ойдан сўнг Канавалов деган экскаваторчидан иш ўргандим. Ўша кезларда менда техникага нисбатан меҳр зоҳир бўлган экан. Кейин ёш грейдерчи Кенжа Мўминов менга устозлик қилди. Ҳаётимдаги катта бурилишда ана шу инсоннинг ўрни унутилмасдир. Автогрейдер ҳайдашни пухта ўрганиб, Самарқанд довонидан йўл очувчи бригада сафида қатнашадиган бўлганим биринчи омадим эди. Уч йил мобайнида (1960-63) йўл очдик. Ишимиз ниҳоясига етай деб қолганида фалокат рўй бериб, уч дўстимдан ажралдим. Бу даҳшатли воқеа хотирамдан сира-сира ўчмайди. Икки юз метрлар чамаси масофадаги йўл очиш учун бошлаган ишимиз анча қийин бўлди. Тош қатламига дуч келдик. Биргина йўл портлатиш. Ана шу портлатиш жараёнида хатоликка йўл қўйилди. Портловчи моддаларни кўмиб, симни улаб, яширинадиган жойга қайтаётган дўстларимни тош ва тупроқ уюми комига олди. Навжувон бу уч йигитнинг ўлими мендай дийдаси қотмаган болага қаттиқ таъсир қилди.

Қарши шаҳридаги 6-йўл қурилиши идорасига ишга келдим. Эски сочилиб ётган автогрейдерни созладим. Механик Николай Кузнецов ёрдамини аямади. Рус қишлоғидаги йўлнинг, Ҳайробод ва Мироқи йўлларининг асфальтини ётқизганим дастлабки автогрейдерчилик ишларим эди. Шу орада Сурхондарё вилоятининг Шўрчи ва Сариосиё туманларидаги «Дашнобод» ва «Ҳазорбоғ» хўжаликлари йўлларининг қурилишига ёрдам бердик. Бошлиғимиз

В.Козлов, муҳандис И. Буц ва прораб Тўхтабоевлар мени меҳнатим туфайли ардоқлар, ўз ўрнида мен ҳам уларни раҳнамо, энг яқин маслакдош, меҳрибон кишиларим сифатида ҳурмат қилардим...»

Бухоро-Муборак йўлларини очиш йиллари.. Ўша вақтда бу йўлни бунёд этиш оғир вазифалардан бири саналган. Чанг, қум бўрони-ю жазирама иссиқ. Одамнинг бардоши, метин иродаси қанақа машаққатларни енгишга қодир эмас, дейсиз. Шу маънода айнан ушбу йўналишда катта ишлар амалга оширилди. Кейин Қарши — Чим — Чироқчи — Шаҳрисабз, Китоб — Ҳайробод — Варганза йўллари очилди. Яна Қарши шаҳридаги барча ички йўлларга асфальт ётқизилди. Эй, йиллар ва йўллар қатларида не-не тарихлар ётибди, не-не эзгу, савоб юмушлар гувоҳи... Эндиликда Қурбон ака кенг ва равон йўллар бўйлаб Муборакками, Китобу Шаҳрисабзгами борар экан, тасмадек ялтираб турган йўллар қурилишида ўзининг ҳиссаси борлигидан фахр туяди, севинади...

1992 йил. Шу давргача вилоят ҳудудидаги йўллар учта ташкилот тасарруфида эди. Вилоят йўл бошқармаси, Китоб ва Қашқадарё йўллардан фойдаланиш бошқармалари асосий ўрта ва кичик йўлларни қуриш, таъмирлаш ишларини бажариб келишарди. Бироқ зимдан кузатган одам бу тариқа иш тутиш самарасиз эканлигини пайқаса бўларди. Чунки бошқармалар тасарруфидаги 45 турдаги ташкилотнинг ҳаммаси мунтазам равишда йўл қурилиши ва таъмири билан шуғулланишини тасаввур этиб бўлмасди. Шу боис бирлашманинг янги раҳбари тез орада буни фаҳмлади. Фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ, ишга шўнғиб кетган янги раҳбар тунлар бедор ўйлай бошлади: «Мени-ку, соҳани жонлантириш учун тайинлашди. Бу катта ишонч. Аммо мен нима каромат кўрсатарканман? Нима қилсам экан-а?..» Топди: аввало вилоят йўл кенгашини ташкил этиш керак.

Кенгашни тузиш нега зарур бўлиб қолди?

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур кенгаш дастлаб вилоятда тузилганлигининг ўзи бу ердаги иш кўлами талабга жавоб беролмаслигининг исботидир. Ҳақиқатан ҳам вилоятдаги асосий магистраль, ўрта ва кичик йўлларнинг ўша вақтлардаги аҳволи қониқарсиз эди. Мавжуд аҳвол ишни қайта кўриб чиқишни тақозо этарди. Шунингдек, кенгашни тузишдан асосий мақсад — йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун сарфланаётган маблағ ва техника воситаларини бирлаштириш, вилоят йўлларини мувофиқлаштириб туришдан иборат бўлди. Авваллари туманларда йўллардан фойдаланиш бошқармаларининг алоҳида-алоҳида участкалари мавжуд бўлиб, жойлардаги раҳбарлар ҳам қайси йўл кимга тегишли эканлигини билолмай овора бўлиб ишлашгани ҳеч кимга сир эмас. Вилоят йўл кенгашининг ташкил топгани эса бу муаммоларни бир қадар бартараф этди. Йўл кенгашининг қатъий режасига асосан амалий ишлар бошлаб юборилди.

Эсдаликлардан:

«Мен ишни дастлаб вилоят ҳудудидаги йўлларни кўприкларни кўздан кечиришдан бошладим. Вилоят Давлат ав-

томобиль назорати ходимлари билан барча катта ва кичик йўлларни айланиб чиқдим. Очиқ эътироф этиш лозимки, бу соҳадаги ишларимиз ўлдажўлда. Сифатли ва равон йўлларга эга бўлиш учун жуда кўп иш қилиш керак бўлади. Айниқса, Қарши — Самарқанд, Қарши — Бухоро, Қарши — Шаҳрисабз, Қарши — Амударё йўлларини тезкорлик билан қайта таъмирлаш лозим. Бундан ташқари, вилоят марказини 5 та туман — Ғузор, Шаҳрисабз, Муборак, Деҳқонобод, Қарши билан туташтирувчи йўллар ҳам ишдан чиққан. Қисқа фурсат ичида, камида 2-3 ой мобайнида ана шу йўлларни сифатли қилиб таъмирлаш керак бўлади. Бундан ташқари катта ўзбек тракти ҳисобланган Тошкент — Термиз магистраль йўлини Қарши — Кўкдала, Чим — Ғузор йўли устидан ўтказиш мўлжалланган. Бу ишга ҳам имкони борича тезроқ киришишга ҳаракат қилмоқдамиз...

Одамнинг дарди-дунёси қандай шаклланади? Бирорбир воқелик, ҳолат, ё амалларга бўлган муносабат ўша шаклланишнинг даражаси эмасмикин?! Вилоятда ўша вақтда (ҳозир ҳам) 6 та асфальт заводи бўла туриб Яккабоғда Германия технологияси асосида асфальт заводи қурилиши Қурбон Панжиевга нима учун керак бўлиб қолди?

Бунинг сабаби мавжуд заводларда ишлаб чиқарилаётган асфальтнинг сифати пастлигидир. Қурбон ака булар хусусида жуда кўп ўйлайди. «Хорижий мамлакатлардаги йўлларнинг пишиқ-пухталиги, чиройига ҳавас қиласан киши. Аслида бир марта таъмирланган йўл камида ўн йил мобайнида чидам бермоғи шарт. Бизда-чи? Бугун таъмирланган йўл орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, яна таъмирталаб бўлиб қолади» сингари фикрлар кечади кўнглидан. Бироқ...

Сирасини айтганда, 1993 йилда эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йўлсозлик тизимида жиддий ислоҳотлар учун йўл очилди. Бу ислоҳотлар бошида эса замонавий, тадбиркор раҳбарлар турмоғи лозим эди. Қурбон ака буни чуқур англар, англагани сайин ўзидан ҳам катта масъулият талаб этилишини ҳис этарди.

Тўғри, биринчи йиллар осон кечгани йўқ. Қийинчиликларнинг барига олдиндан тайёр бўлмоғинг керак, акс ҳолда аросатда қолишинг ҳеч гап эмас. Бирлашма раиси бундай кезларда устозларидан олган сабоқлари ва кекса йўлсозларга таяниб иш юрита бошлади. Натижа эса ёмон бўлмади. Келажакка бўлган ишонч, тинимсиз изланиш ислоҳотлар самарасини бера бошлади. Биргина мисол. Мустақилликкача вилоятда йилига 350-400 км. йўл таъмирланган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 1,5 минг километрни ташкил этмоқда. Бундай юқори кўрсаткич ва сифатга эришишда хориждан келтирилган замонавий техникаларнинг ишга туширилиши ва ёш кадрларнинг чет элларда малака ошириб келишлари катта ўрин тутади.

Айниқса, кейинги вақтларда бирлашма йўлчилари томонидан кўплаб республика ва вилоят аҳамиятига молик йирик йўл ва йўл иншоотлари қурилиб ишга туширилмоқда. Булардан энг кейингилари, «Шўртангазкимё» мажмуига олиб борувчи 60 километрли янги йўл очилди ҳамда мажмуанинг 25 километрли ички йўллари таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Кўкдумалоқ компрессор станциясига олиб борувчи 20 км. йўл, Зеварда, Аланг газ конларига туташувчи 40 км. узунликдаги йўлларнинг устки қопламаси ҳам таъмирланмоқда. Яна қанча-қанча йўналишларда амалга оширилган ишлар...

Аммо йўлсозлар амалга оширган яна бир хайрли ишни айтиб ўтмаса бўлмас. Ўтган йилнинг охирги ойларида Нукус — Бухоро — Қарши — Ғузор автомобиль йўлининг 705-километрида темир йўл устидан ўтувчи йўл кўприги ишга туширилди. Жами узунлиги 90 метр бўлган, лойиҳа қиймати 1,4 миллиард сўм турадиган ушбу улкан иншоотни барпо этишда китоблик йўлсозларнинг алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилганликларини қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Қашқадарё вилоятига қарашли 3543 километр йўл бор. Шундан 411 километри халқаро аҳамиятдаги йўллардир. Буларни М-39, А-380, А-378 йўллар деб аташади. Чет эллардан келаётган транспорт воситалари ўтадиган йўлнинг 375 километри Қашқадарё вилоятига тегишли...

Буларнинг бариси маълумотномада бор. Дарвоқе, бир нарса эсимга тушади.

— Боя сиз билан кўприк қурилиши хусусида гаплашдик. Айтишларича, мазкур иншоот бунёд этилишига ҳам Юртбошимиз кўрсатмалари сабаб бўлган экан, шундайми? — сўрайман Қурбон акадан.

— Ҳа, — дейди у хиёл жилмайиб, кейин қўшиб қўяди: — Фақат кўрсатмалари эмас, танбеҳлари ҳам...

— Қани эшитайлик-чи?

— У вақтларда Юртбошимиз вилоятимиз раҳбари эдилар. Мен эса Қашқадарё йўллардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи эдим. Демак, ўтган аср 80-йилларининг охирлари... Қарши билан Косон ўртасидаги темир йўлнинг нариги томонидаги йўлларга асфальт ётқизаётган эдик. Шаҳар томондан эса Ислом Абдуғаниевич келаётган эканлар. Айни ўша вақтда поезд ўтаётганди. Ислом ака ўша жойда 20 минут ушланиб қолдилар. Йўлнинг нариги томонига ўтгач, мени кўриб олдиларига чақирдилар. Кейин «Шу темир йўл устидан кўприк қуришнинг иложи борми?», — деб сўрадилар. Мен «албатта бор», дедим. У киши «Иложи бўлса нега қурмайсиз? Бу ишни сиз қилмасангиз ким қилади?», — дедилар. Мен нима деб жавоб беришни билмасдим. Кейин яна айтдиларки: «Сиз ташаббускор бўлинг, мабодо, соғлом ташаббус йўлида ғовлар ёки адолатсизликлар бўлса шахсан ўзимга мурожаат қилинг»... Булар кечагидек кўз ўнгимда.

Бу гаплар менга далда бўлди, кейин ўша кўприкнинг қурилиши режаси ва схемасини ишлаб чиқдик. Бироқ, гапнинг очиғи, Ислом Абдуғаниевичдан кейин тайинланган бирорта вилоят раҳбари кўприк қурилиши билан қизиққани йўқ. Ахири ўтган йили қуриб битказдик. Бирлашмамизга қарашли 7 та ташкилотнинг ишчилари 3 сменада меҳнат қилишди. Умрларидан барака топишсин.

Самарали меҳнат, иқтисодий тежамкорлик соҳадаги манфаатдорликни юзага чиқаради. Дейлик, 500 ёки 800 километр узоқдан хомашё олиб келиб ишни юргизиш қайда-ю, ўша хомашёни бирлашма тасарруфида ишлаб чиқариш қайда? Шу маънода бирлашмага дахлдор жойларда майдаланган тош ва бошқа бир қанча ашёлар ишлаб чиқарилаяпти. Шу тариқа миллион-миллион сўмлар бирлашманинг ўзида қолаяпти. Бундан жамоа манфаатдор. Ўртача ойлик маош — 20 000 сўм. Бундан ташқари, ўтган йил 400 миллион сўм соф даромад олинди. Ижтимоий ҳимоянинг бир неча турлари йўлга қўйилган. Ҳар йили 330 га яқин ишчи ва хизматчининг турли сиҳатгоҳларда дам олиб қайтаётганлари фикримизга мисол бўлади.

✧ ✧ ✧

... Кеч соат 8 лар чамаси. Қурбон ака ўтган йили қўлга киритган ютуқларини бир-бир хаёлидан ўтказиб сарҳисоб эта бошлади. «Энг катта муваффақиятимиз, кўприк қурилиши бўлди. Қарши аэропортининг қўниш майдонига 1,5 ойда 50 000 тонна асфальт ётқиздик. Чет элнинг асфальт ётқизадиган, текислайдиган машиналаридан фойдаланмаганимизда, бу юмуш бир йилга чўзиларди...»

Ички телефон орқали ходимларидан бирови билан боғланди:

— Ҳусниддин, нима бўлди, мен айтган рўйхат? Ҳа, албатта, тезроқ тайёрланг. Рағбатлантиришни чўзмайлик. Акс ҳолда оддий ишчиларингизни сиздан кўнгли қолса ёмон бўлади... Тушунарлими?

Оддий одамларнинг кўнглини овлаш, уларга эътибор беришга фикри ожизлик қилади баъзи раҳбарнинг. Лекин Қурбон ака қўл остидаги ишчилар билан бевосита мулоқотда бўлади. Дардлашади, ҳасратлашади, эркин муносабатда бўлади, ҳазил-ҳузул қилади... Шунинг учун ҳам улар бирлашма раҳбарини кўнгилларига яқин тутишади, шунинг учун ҳам уни яхши кўришади.

✧ ✧ ✧

Мустақиллик боис Қурбон Панжиевнинг меҳнатлари қадр топди. Жумладан, 1997 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи», 1999 йил «Йўл усталарининг устози» унвонларини олишга мушарраф бўлди. Ўтган йили эса «Эл-юрт ҳурмати» орденининг соҳиби бўлди. Булар хусусида гап кетганда, «Шундай Юртбошимизнинг борига шукр! Камтарин меҳнатимизга юқори баҳо бердилар. Агар у киши бўлмаганларида нафақат мен, миллионлаб юртдошларимиз қадр деган умуминсоний мезонни англамаган бўлур эдилар», — дейди Қурбон ака салмоқланиб.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси раҳбари, юзлаб йўлсозлар устози, ўн фарзанднинг отасию яна қанчалаб набиралар бобоси Қурбон Панжиевнинг вилоятда қадами тегмаган жой йўқ. Бир ёғи Деҳқонободнинг Бошчарбоғидан тортиб Баҳористоннинг Чандиригача, яна бир ёғи Шаҳрисабзнинг Мироқи тоғларидан Нишон чўлларигача... барча-барча манзилларга қадами етган, унинг. Йўлсознинг умри йўлчилик билан, деганлари рост экан-да... Яна бир ёғи Самарқанд, Бухоро бўлса, бир ёғи эса Хиваю Нукус... Ҳатто Германия, Франция, Швейцария сингари жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларининг йўлларига назар солган йўлсозлар оқсоқоли...

Ҳикоямиз аввалида, тириклик дунёсида йўлнинг ўрни беқиёс, деган хулоса бор эди. Эҳтимол, бу хулоса эмас, шунчаки бир гапдир. Аммо дунёдаги барча хатти-ҳаракатларнинг ўз йўли бор. Биз учун эса йўлларнинг энг улуғи ва муқаддаси — юртимизнинг тараққиёт йўлидир. Ана шу йўлнинг ёруғ ва ойдин бўлиши учун ўзининг заррадек бўлса-да ҳиссасини қўшаётган «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси раҳбари Қурбон Панжиев ва бошқа йўлсозлар олисолис манзиллар сари ошиқиб яшаяпти.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

ТЕРРОРИЗМ ИЛДИЗИ БИЛАН ЙЎҚ ҚИЛИНАДИ



АҚШ Президенти Жорж Буш Конгрессга 2003 йилга мўлжалланган давлат бюджети лойиҳасини тақдим этди.

Аввалги йиллардан фарқ қилиб, бюджет лойиҳасида мудофаа харажатларининг ошиши ҳамда солиқларнинг камайиши устувор йўналиш қилиб белгиланган. «2003 йил бюджети лойиҳаси — бу фақат юқори кўрсаткичларнинг кетма-кетлиги эмас, балки халқаро терроризм каби иллатларни таг-туги билан йўқ қилиш ҳамда улардан ҳимояланиш учун қўйилган қадамлардан биридир», — дейди Президент Конгрессга лойиҳа билан бирга тақдим этган мактубида.

Буш режасига кўра, ҳарбий харажатлар 12 фоизга, яъни 379 млрд. долларга кўпайтирилган. Мамлакат мудофаасини таъминлаш чора-тадбирлари учун эса 37,7 млрд. доллар қўшимча маблағлар ажратиш кўзда тутилган. Умуман, 2003 йилги давлат бюджети ўтган йилга нисбатан 2,3 фоизга кўп.

АҚШ Президенти ушбу лойиҳани амалга ошириш учун мамлакат етарли салоҳиятга эга эканлиги, бу ислоҳотлар келажакда ўзининг улкан самарасини беришига ишончи катта эканлигини таъкидлайди.

Мухолиф партия вакиллари давлат харажатларининг бундай кескин оширилиши 1998 йилдан буён ижобий қолдиқ билан келаётган бюджет кўрсаткичининг пасайишига олиб келиши мумкин деган фикрда.

Айни пайтда Афғонистондаги ҳарбий операциялар АҚШ учун ойига ўрта ҳисобда 1 млрд. долларга тушмоқда.

Буш таклифига кўра, 2003 йилги ҳарбий харажатларга жами 45 млрд. доллар ажратиш кўзда тутилган. Бундан 7,8 млрд. доллар маблағ ракетадан мудофаа тизимини ривожлантириш учун сарф қилинади. Бундан ташқари, соҳа ходимларини моддий рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берилади.

Лойиҳага кўра, бу маблағлар мамлакат бошқа соҳаларга ажратадиган харажатларнинг камайтирилиши эвазига амалга оширилади. Яъни:

— шу вақтгача 95 млрд. доллар маблағ сарф қилинган Халқаро фазо станцияси харажатлари қисқартирилади;

— мамлакатнинг иқтисодий қолоқ ҳудудларига ажратиладиган сарф-харажатлар 20 фоизга камайтирилади;

— хусусий инвесторлар сармояларини жалб қилиш эвазига нефть ва газ конлари геологияси ва шу соҳани ривожлантиришга ажратиладиган маблағларни 40 фоизгача камайтириш режалаштирилган.

Ҳарбий харажатларнинг бундай кескин оширилиши АҚШ тарихида кейинги 20 йил ичида илк маротаба кузатилмоқда. Бундан аввал — ўтган асрнинг 80-йиллари бошида Президент Рональд Рейган томонидан ҳам шундай улкан маблағлар ажратилган.

Лойиҳада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Унга кўра ҳукумат ишсизлик муаммосини ҳал қилишга 9,3 млрд. доллар маблағ ажратган. Бу 2000 йилга нисбатан 36 фоиз кўп демакдир.

Солиқларни камайтириш масаласи Жорж Бушнинг сайловолди режаларидан бири эди. Лойиҳага кўра со-

лиқларнинг камайтирилишидан давлат бюджети 344 млрд. доллар зарар кўради.

Лойиҳа Конгрессга тақдим этилди. Унинг амалга оширилишини эса вақт кўрсатади.

ИҚТИСОДИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ



Нью-Йоркда Жаҳон иқтисодчиларининг форуми давом этмоқда.

Унда уч юздан ортиқ таниқли сиёсатчи, жумладан, ўттиздан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этмоқда. Анжуман кун тартибидан халқаро ҳамжамиятни ташвишга солаётган бир қанча муҳим масалалар ўрин олган. Қашшоқликни тугатиш, дунё миқёсидаги иқтисодий турғунликни бартараф қилиш, бошқарув тизимларини такомиллаштириш, иқтисодчилар ҳамжамиятида ва умуман, одамлар орасида келажакка ишончни кучайтириш каби масалалар, шунингдек, халқаро терроризмга қарши молиявий курашнинг янгича йўллари кўриб чиқилмоқда. Анжумандаги энг асосий масала жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви бўлиб турибди.

Анжуманда БМТ бош котиби Кофи Аннан сўзга чиқиб, тараққий этган давлатларни қашшоқ мамлакатларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирди.

Нью-Йорк анжумани ўтаётган бир пайтда Бразилияда ҳам худди шундай халқаро конференция — Жаҳон ижтимоий форуми ўтказилмоқда. Кофи Аннан ушбу форум ҳақида тўхталиб, у ерда кўрилаётган масалаларнинг амалга ошиши айнан Нью-Йорк анжуманининг самарасига боғлиқлигини таъкидлаб ўтди.

Жаҳон иқтисодчилари форуми асосчиси Клаус Швабб ҳам анжуман қатнашчиларидан БМТ чақирувига амалий ёндашишни сўради.

Анжуман қатнашчилари Нью-Йорк полициясига хавфсизлик таъминоти бўйича кўрилган чора-тадбирлар учун миннатдорчилик билдиришмоқда. Чунки, худди шундай халқаро иқтисодий анжуманлар (Сиэтл — 1999й., Генуя — 2001й.) намойишчиларнинг тартибсизликлари билан ўтган эди.

16 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР АЖРАТИЛДИ

Икки йилдан буён содир бўлаётган табиий офат оқибатлари Туркия иқтисодиётига катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Зилзила натижасида ўтган йиллардаги вайронагарчиликлар, бир неча кун олдин Афйон вилоятида рўй берган талофатлар — барчаси улкан маблағлар талаб қилади. Шусиз ҳам иқтисодий турғунликни бошдан кечираётган давлат учун бу муаммоларни бартараф қилиш янада оғир кечиши табиий. Шуларни назарда тутган ҳолда Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) Туркияга 16 миллиард доллар миқдорида кредит ажратишга қарор қилди. Бу охирги икки йилда Фонд тарафидан Туркияга берилаётган учинчи йирик сармоядир.

Ўзаро битимга асосан, бу маблағларнинг 9 миллиарди тез кунлар ичида, қолган қисми яқин уч йил мобайнида босқичма-босқич бериб борилади. ХВФ бу маблағларни «2002-2003 йилларда Туркия иқтисодиётини эркинлаштириш» дастури сифатида ажратган. Агар ҳукумат бу маблағлардан самарали фойдаланиб, иқтисодий мувозанатга эришса, Фонд яна қўшимча сўралган 12 миллиард долларлик кредит ажратиш масаласини ҳам ижобий ҳал қилиши мумкин.

Internet хабарлари асосида Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади

РОНАЛДО ДАВОЛАНМОҚЧИ

«Интер» клубининг ҳужумчиси, моҳир футболчи Роналдо чап оёғини даволатиш учун Рио-де-Жанейрога келди. У мухбирларга бирон нима дейишни лозим кўрмади. Зеро, унинг матбуот котиби Радриго Паиванинг фикрига қараганда, Роналдо бу шаҳарда ҳам машғулотлар ўтказмоқчи экан. Шунингдек, Паива футболчининг асосан даволаниш учун келганини эътироф этиб, «Бразилия карнавали»да қатнашмаслигини маълум қилди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРОЛМАЙДИ

Италиялик машҳур футболчи Роберто Баджо маълум даврга футбол билан хайрлашадиган бўлди. Бу шифокорларнинг Баджо чап оёғи тиззасида жарроҳлик муолажаси ўтказилмаса бўлмайди, деган қароридан кейин аён бўлди. Бундай жароҳатдан кейин муолажа камида беш ой давом этар экан. Демак, Баджо ўз-ўзидан Италия терма жамоаси сафида жаҳон чемпионатида қатнаша олмайди. Ваҳоланки, бу футболчи мавсумнинг дастлабки ярмида дарвозага 8 та тўп киритишга улгурган эди. Баджо жами 3 марта жаҳон чемпионати мусобақаларида қатнашиб, 2 марта совриндор бўлган.

КАФЕЛЬНИКОВГА ХОС САХОВАТ

Сочилик машҳур теннисчи Евгений Кафельников Россияда «Йилнинг энг саховатли спортчиси», деб эътироф этилди. Бултур октябрь ойида Тель-Авив — Новосибирск йўналиши бўйича парвоз этаётган ТУ-154 самолёти ҳалокатга учраганди. Ўша кунларда «Кремль кубоги» халқаро турнирининг ҳал қилувчи учрашувларида иштирок этаётган Кафельников мусобақада қўлга киритадиган барча маблағларини ҳалокат қурбонларининг қариндош-уруғларига инъом этишга аҳд қилган. Мусобақадан кейин Кафельниковга 120 минг доллар берилиши аён бўлди ва теннисчи ваъдасининг устидан чиқди.

ЭНГ ЯХШИ ТЕННИСЧИЛАР

Профессионал теннисчилар ассоциацияси шу йилнинг январь ойи бўйича энг яхши ўйинчилар номини эълон қилди. Бундай фахрли унвонни Австралия очиқ турнирида иштирок этиб, ғалаба қозонган швециялик Томас Юханссонга бериш лозим топилди. Бу билан Томас АТП рейтинги бўйича юқори ўринга кўтарилиб олди. Шунингдек, «Порлаётган юлдуз» — энг ёш ўйинчи соврини 19 ёшли Чили теннисчиси Фернандо Гонсалесга насиб этди. Жуфтликлар орасида канадалик Даниел Нестор билан Марк Наулс (Багам ороллари)лар тақдирланди.

ОЛИМПИАДА МАШЪАЛАСИНИ СОТИБ

Қишки олимпиада машъаласини кимошди савдосида сотиш йўлга қўйилди. Баъзи кишилар бундай имкониятдан фойдаланиб, олимпиаданинг ўзига хос эсдалигини 335 долларга олиб, қимматроққа сотиш билан бойиб олишни ҳам ўйламоқда. Хусусан, рамзлар йиғувчи 37 ёшли Марк Ловингер (Калифорния) битта машъала учун 2400 доллар тўлади. «Ўйлайманки, харид қилганим мен учун спорт рамзлари жамламаси орасида энг қадрлиси бўлади», дейди Ловингер. Қизиғи шундаки, бундай олди-сотдилар Интернет-аукционда амалга оширилмоқда.

ХОҚ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ



Халқаро олимпиада қўмитасининг қарорига мувофиқ АҚШда бошланадиган қишки олимпиада ўйинларини WTC байроғи остида очилиши ман этилди. Иложи бўлса бу байроқ олимпиада олови ёнида тантанали очилиш маросимида, марказий ўйингоҳда ҳилпираётган АҚШ миллий байроғи ёнида қўйилиши мумкин экан. АҚШ олимпия қўмитаси бундай саъй-ҳаракатга розилик билдирди.

УЕФА КУБОГИГА ҚИЗИҚИШ ОРТАДИ

Европадаги таниқли футбол клублари УЕФАнинг Европа мусобақаларини ўзига хос ташкиллаштириш таклифига рози бўлдилар. Мақсад УЕФА кубоги баҳслари бундан буён лига чемпионлари мусобақасидан фарқланади. Гап шундаки, соврин учун курашаётган жамоалар гуруҳларга бўлинади. Бу эса Европа кубогини қўлга киритиш йўлидаги курашнинг янада қизғин бўлишига олиб келади. Бундан буён УЕФА кубогида қатнашувчи жамоалар лига чемпионлари баҳсида муваффақиятли иштирок этсалар-да, қитъа соврини учун кураш иштирокчиси бўлолмай қолишлари мумкин. УЕФА штаб квартирасида соврин учун курашувчи жамоалар 96 тадан 64 тага қисқараётгани маълум қилинди.

ФУТБОЛ: ЭНГ СЎНГГИ ХАБАР

Ўзбекистон X миллий чемпионатининг бронза медали соҳиби «Насаф» (Қарши) жамоаси Осиё чемпионлари кубоги баҳсларида бирмунча муваффақиятли тўп сурмоқда. Қаршиликлар илк босқичда Туркманистон чемпиони Ашгабаднинг «Копетдог» жамоасини 1:0, 3:1 ҳисобида доғда қолдиришганди. 1/16 финал учрашувларида эса Тожикистоннинг «Умид» жамоасини 4:1 ва 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, кейинги босқич ўйинларига йўлланмани қўлга киритишганди.

Шу кунларда ҳамюртларимиз Бирлашган Араб Амирликларида ярим финалга чиқиш учун майдонга тушишмоқда. Маълумки, чорак финал учрашувлари икки гуруҳ (ғарбий ҳамда шарқий Осиё)га бўлинган ҳолда ташкиллаштирилмоқда. Абу-Дабида ўтаётган ғарбий Осиё гуруҳ баҳсларида «Насаф» жамоасидан ташқари Қувайтнинг «Ал-Қувайт», Эроннинг «Истиқлол», шунингдек, мезбонларнинг «Ал-Ваҳда» футбол клублари иштирок этишяпти.

Кеча ғарбий гуруҳ жамоалари ўртасида учрашувлар бўлиб ўтди. Вакилларимиз илк ўйинларини Қувайт чемпионларига қарши ўтказишди. Ўйиннинг 48-дақиқасида Баҳром Ҳайдаров ҳисобни очган бўлса, 54-дақиқада рақиб ўйинчиси Фарад Лахиб ҳисобни тенглаштирди. БАнинг «Ал-Ваҳда» жамоаси эса Эроннинг «Истиқлол» жамоаси билан майдонга тушди. Гуруҳнинг навбатдаги учрашувлари эртага бўлиб ўтади. Эслатиб ўтамиз, гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринларни олган жамоалар ҳал қилувчи босқичга йўл олишади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ

ЧИПОРУ КЎЛВОРЛАР СУЛТОНИ

ШЕРОБОДЛИК МОРБОЗ БОБОНАЗАР ПАРДАЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— Морбозлик сиз учун касбми?

— Шундай десам ҳам бўлар. Бобом морбозлик билан шуғулланганлар. У киши жониворларни кўзада сақлардилар. 5-6 ёшларимданоқ илон ўйнатардим. Мана 15 йилдирки, халқимизга ўзига хос санъатимни намойиш қилиб келаяпман.

— Айни кунларда нечта илон парваришлаяпсиз?

— Уйимизда 9 та бор. Ҳинд бўғма илони — «Сайха» ва «Олмос». Шунингдек, кўлворлар оиласига кирувчи қум бўғма илони ва бир нечта кобралар. Мавсумда эса уларнинг сони 30 дан ошиб кетади. «Гулдор», «Чипор гулдор», «Кўлвор», «Гулсум» каби заҳарлиларни ҳам парвариш қиламиз.

«Мана бу «Сайха», — дейди Бобоназар Пардаев бўйнига ўраб олган баҳайбат жониворни уйдан олиб чиқар экан. — Унинг узунлиги 3 метру 20 сантиметр. Ёши 26 да. Оғирлиги эса 30 кило келади. Ҳозир уйқуда. Ёзга чиқиб 40-45 килограммгача семиради.

— Улардан қўрқмайсизми?

— Ширин «муомала» қилсангиз, у сизга бўйсунади. Онгли равишда гапларингизни тушунгандек, ҳар бир имо-ишорангизга жавоб бера олади.

— Фарзандларингиз-чи?

— Биз ҳам қўрқмаймиз, — дейди 6 ёшли Дилшодбону қўлидаги 1 метр келадиган кобрани гир-гир айлантириб. Ёзда масза, ҳовлида бирга сайр қиламиз. Мен овқатланаман, у ёнимда бўлади.

— Ушбу судралувчиларни қандай озиқлантирасиз?

— Ҳинд бўғма илонларимизнинг ҳар бири бир овқатланишда 4 тадан 8 тагача 4-5 килолик қуёнларни ютиб юборади. Ёки 20 та ёввойи кабутарни паққос туширади. Улар 14-15 кунда бир марта озиқланади. Табиий шароитдаги морлар ҳам шундай овқатланади. Хуллас, мавсумда 1 тоннагача овқат берамиз.

— Катта саҳнада кутилмаганда...

— Ҳар бир морбознинг ўз сир-синоати борки, уни биров билади, биров йўқ. Шу боис, мен ҳам илонларнинг заҳарли тишларига тошлар қўйиш, қопқоқ қўйиш, ҳалқалаш усулларидан фойдаланаман. 5-6 метр келадиган «Шоҳ кобра»ларни эса хаччалаш усули орқали ўйнатаман. Энг асосийси, уларни ўқибавраб ухлатиш усулидан кенг фойдаланилади.

— Баъзан ўйнатилаётган илонларнинг заҳарли тишларини бўлмайди, деб эшитиб қоламиз...

— Бу бўлмаган гап. Жониворнинг тиши бўлмаса, у тезда нобуд бўлади. Чунки, овқат истеъмол қилолмайди-да...

— Айтайлик, қаршингизда тўсатдан улкан илон чиқиб қолди...

— Бундан асло чўчимайман. Ҳар қандай илонни ўз измимга тушириш учун 7 дақиқа кифоя... унинг «канал»и менга тўғри келса бас. Хусусан, XX асрнинг 90-йилларида Шўрчи туманидаги катта ғордан 5 метр келадиган илонни бирпасда тутганман.

— Бирор марта озор берганми?

— Ўзимни беш марта, қизим Лобарни уч марта кобра чаққан. Шунда гипноз қилиб даволаганман.

— Бойлик, тилла, дур-жавоҳирларни илонлар қўриқлайди, дейишади.

— Бу ҳақиқатга яқин мулоҳаза. Айниқса, оқ илонлар тилладан баҳра, нур олади, дердилар бобом.

— «Сайха» ёки «Олмос» касалланиб қолди, дейлик. Уларни қандай даволайсиз?

— Бунисини айтмайман. Морбознинг сири бу. Бир пайтлар Термиз ҳайвонот боғидаги 4 метрли «Кўлвор»га ҳам шифо ато этгандим.

— Жониворларга кўз тегиши мумкинми?

— Асло! Чунки, суқ ва кўзлар нурини у ўзидан тарқатаётган меҳригиё орқали кесади. Меҳригиёнинг энг зўри эса илонларда бўлади.

— Афсоналарда зикр этилган улкан ёлли, қўш қанотли, шохдор аждарҳолар борлигига ишонасизми?

— Нима десам экан... Тўғриси, уларни кўрмаганман. Лекин Боботоғ ва Шеробод тоғларида 5-6 метрли, йўғонлиги бола танасидек келадиган улкан судралиб юрувчиларни учратганман. Бундай илонлар ўзидан 3-4 марта йўғонликдаги жониворларни ҳам ютиб юборади.

— Илонларни тушда кўрмоқлик...

— Рангли илон — турмуш қуришдан нишона. Оқ илон — хурсандчилик белгиси. Уни ўлдирмоқлик зиёнзаҳматдан далолат.

— Биз билган ва билмаган хусусиятлари...

— Илон раҳмдил жонивор. Унга озор берилмаса, ҳужум қилмайди. ... Яна унинг бир жуфт оёғи борлигини ҳам кўпчилик билмаса керак. У бир йилда икки ёш умр кўради.

— Воҳада сиздан зўр морбозлар борми?

— Ҳозирча учратганим йўқ.

— Нимадан қўрқасиз?

— Аввало худодан. Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, ишонч, диёнат, ҳурмат-иззат йўқолишидан.

— Орзуларингиз...

— Ўзбек морбозлиги жаҳонда ягона. Бу ҳақда ҳатто Ибн Сино бобомиз ҳам минг йиллар олдин айтиб ўтганлар. Орзуим — ушбу санъатни дунё халқларига кўз-кўз қилиш.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 йил 7, 15 март кунлари

КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Савдога қуйидаги автотранспорт воситаси:

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси «Авиасозлар бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AR 569 бўлган, «TICO STD» қўйилган.

Бошланғич баҳоси — 1 095 403,3 сўм.

Савдолар соат 10.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй.

Метронинг «Алишер Навоий» бекати.

Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

Сирғали тумани ҳокимияти Ҳакимова Зура Қудратуллаевна номига 25.01.93 йилда берган № 06-02/6521 сонли ордер **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«АВИАСОЗЛАР БОЗОРИ»

ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Авиасозлар бозори» ОАЖнинг 2001 йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий мажлиси 2002 йил 9 март соат 11.00 да «Авиасозлар бозори» ОАЖ мажлислар залида ўтказилади.
Манзил: Ҳамза тумани, Шолохов кўчаси, 1-уй.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

1. «Авиасозлар бозори» ОАЖнинг 2001 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директори ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2001 йил иккинчи ярим йиллиги учун молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш.
«Авиасозлар бозори« ОАЖ акциядорларининг умумий мажлисида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2002 йил 7 февраль ҳолатига биноан тузилади.
Акциядорларни рўйхатга олиш 9 март соат 10.00 дан бошланади.

«Авиасозлар бозори» ОАЖнинг 2001 йилдаги бухгалтерия баланси (2002 йил 1 январь ҳолатига кўра)

Баланснинг актив қисми	*(минг сўм)*	*Баланснинг пассив қисми*	*(минг сўм)*
1. Асосий воситалар: қолдиқ суммаси	112292,7	1. Устав капитали	55000
2. Капитал қўйилмалар	1100000	2. Тақсимланмаган фойда	56042,6
3. Узоқ муддатли инвестициялар		3. Мақсадли тушум ва фондлар	855227,7
4. Ишлаб чиқариш заҳиралари	3409	4. Узоқ муддатли қарзлар	296438,3
5. Товарлар	20238,8	5. Бюджет бўйича қарзлар	26259,8
6. Келгуси давр сарфлари	4282,2	6. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	1346,8
7. Пул маблағи	2568,2	7. Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар	1043,3
8. Ходимлар билан ҳисоблашувлар	3007,1	8. Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	171,0
9. Бошқа дебиторлар	60372,4	9. Уюшма корхоналарига қарзлар	850,6
		10. Бошқа кредитлар	13790,3
БАЛАНС	*1306170,4*	*БАЛАНС*	*1306170,4*

«АВИАСОЗЛАР БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ilhom KAROMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.45
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA